



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2018 йил 18 апрель, № 76 (7034) Чоршанба

Сайтнинг алоқаси ўқиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ИҚТИСОДИЁТДА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ — БАРҚАРОРЛИК ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 17 апрель куни иқтисодиёт тармоқларида ҳисоб-китоб тизимини такомиллаштириш, дебитор, кредитор ва бюджет олдидаги қарздорликларни камайтириш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар таҳлилига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Мамлакатимиз иқтисодиёт тармоқларида назорат ва ҳисоб олиш механизмларини янада такомиллаштириш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, жавобгарликни кучайтириш, ижро иши юритишнинг самардорлигини тубдан ошириш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур йўналишдаги чора-тадбирларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, тўлов интизомини янада мустаҳкамлашга қаратилган қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Президентимизнинг 2017 йил 29 майдаги "Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ғи Фармони ва муаммоларни бартараф этиш бўлимида муҳим қадам бўлди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари узоқ йиллардан бери ҳисоб-китоб тизимига эътибор қаратилмай келинган, иқтисодиёт тармоқларида пул оқимлари самарасиз бошқарилгани ва номуносиб тақсимлангани оқибатда қарздорлик ҳолатлари кўпайиб кетганини таъкидлади.

Буни бартараф этиш бўйича сўнгги вақтларда қатор чоралар

кўрилди. Иқтисодиётнинг базавий тармоқлари молиявий ҳолатини яхшилаш мақсадида "Ўзбекнефтегаз" ва "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамиятларининг умидсиз дебитор қарзлари ҳисобдан чиқарилди. "Ўзгапромёҳимоя" акциядорлик жамиятининг кредит қарздорликлари бюджет соудалари орқали камайтирилди.

Иқтисодиёт тармоқларини ёқилги-мойлаш маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш учун нефтни қайта ишлаш корхоналарини молиявий соғломлаштириш мақсадида салмоқли маблағлар ажратилди.

Солиқларни тақсимлаш тизими қайта кўриб чиқилиши орқали нефтни қайта ишлаш корхоналари ихтиёрида йилга 670 миллиард сўм, электр станциялари ҳисобида 100 миллиард сўм маблағ қолдирилди.

Фермер хўжалиқлари бир неча марта тугатилиши ва қайта ташкил этилиши ҳисобида тижорат банклари йўқотган ликвидликни қоплаш учун маблағ йўналтирилди.

Монопол корхоналарнинг юқори ликвидли 27 турдаги маҳсулотларини фақат электрон биржа савдоси орқали ички бозорга сотиш механизмлари йўлга қўйилди, давлат томонидан уларнинг нархини декларация қилиш тартиби бекор қилинди.

Бирок, шунга қарамадан, жорий йил 1 март ҳолатига қўра, иқтисодиёт тармоқларида жами дебитор ва кредитор қарздорлик ўтган йилдагига нисбатан мос равишда 16 фоиз ва 13 фоиз ош-

ган. Муддати ўтган дебитор қарздорлик йил бошидагига нисбатан 60 фоиз камайишига эришилган бўлса-да, ўтган йилги қарздорликдан 2,7 баробар кўп.

Жами дебитор қарздорликнинг салмоқли қисми ёқилги-энергетика комплексига тўғри келмоқда. Ушбу соҳадаги дебитор қарздорлик йил бошидагига нисбатан 16 фоиз ошгани кузатилган. Машинасозлик ва пахта қайта ишлаш комплексига 13,7 фоиз, қурилиш ва транспорт масалалари комплексига 20 фоиз ошган.

Биргина "Ўзбекнефтегаз" ва "Узтрансгаз" акциядорлик жамиятлари тизимига муддати ўтган дебитор қарздорлик 460 миллиард сўмга етган. "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамиятида 341 миллиард сўмлик муддати ўтган қарздорлик ҳосил бўлган. "Узавтосаноат", "Ўзбекистон темир йўллари", "Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамиятларида ҳам дебитор қарздорлик юқориликка қолмоқда.

Бирор ташкилотга раҳбар тайинлангани, у ишни ҳисоб-китоб тизимини тартибга солишдан бошлаши керак. Бизда эса аксинча, техник-иқтисодий томони билан шуғулланишга киришадди.

Иқтисодиётда қарздорликларни камайтириш бўйича тизимни ўзгартириш даври келди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари фермер хўжалиқларининг солиқ борадидаги қарздорлигини ҳам камайтириш зарурлигига эътибор қаратди. Чунки машина-трактор паркларини томонидан кўрсатилган

хизматлар учун тўловларни амалга оширишнинг жорий механизми таъсирида фермер хўжалиқларининг "Узгагросервис" акциядорлик жамияти олдидаги қарздорлиги ошиб бормоқда.

Солиқ ва кадастр идоралари ўртасида ўзаро ҳамкорлик самарали йўлга қўйилгани оқибатда солиқ идоралари базасида 212 минг гектар ерга эга 3 минг 247 фермер хўжалиги ҳақидаги маълумот мавжуд эмас, кадастр идораларида рўйхатга олинган 405 минг 508 турар ва нотуражой объекти солиқ идораларида ҳисобга олинмаган. Бунинг оқибатда бюджетга ягона ер солиғи бўйича 1,8 миллиард сўм тушмасдан қолган.

Ҳозирги кунга қадар 1 миллион 100 мингдан ортиқ тураржойларнинг кадастр ҳужжатлари мавжуд эмас ва бу объектлар солиқ базасида ҳисобга олинмасдан келинмоқда.

Жорий йил 1 апрель ҳолатига қўра, бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалардан солиқ қарздорлиги ҳам юқори.

Ўз навбатида, 2015 — 2017 йилларда корхоналарга солиқ имтиёзлари асоссиз тақдим қилингани натижасида бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга 49,2 миллиард сўм ундирилмаган. Бундан ташқари, боғжона оморларида 90,5 миллион долларлик товарлар 3 йилдан ортиқ муддат давомида сақланиб келинмоқда.

Иқтисодиёт тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқариш ва

реализация қилишнинг аниқ ҳисоби ҳанузгача мавжуд эмаслиги, давлат идоралари ўртасида электрон ҳамкорлик ва маълумот алмасуви йўлга қўйилгани, солиқ, боғжона назорати тизими етарлича тартибга солинмагани, қарздорликни ундириш тизими самарасизлиги, мазкур соҳада ўрнатилган жавобгарлик чораларининг тўлов интизомига сўзсиз ривожланишга таъсирини олишириш учун етарли эмаслиги ушбу қарздорликлар келиб чиқишининг асл сабаблари ҳисобланади.

Йиғилишда Президентимиз Бош вазир ўринбосарлари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларига иқтисодиёт тармоқларида ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш, дебитор, кредитор ва бюджет олдидаги қарздорликларни қисқартириш, туман, вилоят ва республика даражасида солиқ органлари, банклар, хизмат кўрсатувчи ва бошқа идоралар ўртасида ҳар ой якуни бўйича ўзаро қарздорлик ҳолатини солиштириб бориш тизимини жорий этиш, солиштирилмаган асосида қарздорлик аҳолини Вазирлар Маҳкамаси комплексларида ҳар ойда жиддий муҳокама қилиш, давлат идоралари ўртасида электрон ҳамкорлик ва маълумот алмасуви йўлга қўйиш борадидаги ишларни жаддаллаштириш юзасидан топшириқлар берди.

Ў.А.

Латвия Республикаси Сейми Раиси Инара МУРНИЕЦЕ:

«Мулоқотларимиз Ўзбекистондаги ислохотлар шиддатидек жадал ривожланишига ишонимиз»

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатда Латвия Республикаси Сейми Раиси Инара Мурниеце раҳбарлигидаги Латвия парламенти делегацияси аъзолари билан учрашувлар бўлиб ўтди.

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ



Мулоқотларда Латвия билан дўстона ва ҳар томонлама алоқаларни ривожлантириш

Ўзбекистондаги ислохотлар шиддатидек жадал ривожланишига ишонимиз. Мулоқотларда Латвия билан дўстона ва ҳар томонлама алоқаларни ривожлантириш ўзбекистон учун халқаро ҳамкорликни кенгайтиришдаги устувор йўналишлардан бири эканлиги таъкидланди. Икки мамлакат муносабатлари дўстлик, ўзаро ҳурмат руҳида жадал мустаҳкамлашиб бормоқда. Ўзбекистонда бугун хорижий давлатлар билан алоқаларни жаддаллаштириш, юртимиз иқтисодиётининг дунё бозорига интеграциялаштиришга қаратилган янги ташқи сиёсат олиб борилаётган. Бу жараёнда парламентларaro ҳамкорликни чуқурлаштиришга алоҳида урғу берилаяпти. Боси, мазкур саъй-ҳаракатлар давлатлар ўртасидаги муносабатларини янада кенгайтиришда муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Латвия

парламенти ўртасидаги алоқалар изчил тараққий топиб бормоқда. 2010 йилда Латвия Сеймида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси билан ҳамкорлик бўйича гуруҳ тuzилган бўлса, 2012 йил июлда мамлакатимиз парламентида худди шундай дўстлик гуруҳи ташкил қилинди. 2012 йил сентябрда Олий Мажлис ва Латвия Сейми парламентларaro дўстлик гуруҳлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

Ўтган йилнинг май ойида Олий Мажлис Сенати Раиси Н. Йўлдошев бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси парламенти делегациясининг Латвияга ташрифи ҳамда ушбу ташриф доирасида ўтказилган қатор учрашувлар ҳамкорликни янада кенгайтиришда, муносабатларини янги bosқичга кўтаришда алоҳида аҳамият касб этди.

Меҳмонларга Ҳаракатлар стратегияси асосида амалга оширилаётган туб ислохотлар, мамлакатни ривожлантиришга қаратилган муҳим давлат ва маҳаллий дастурлар, шунингдек, парламентнинг ролини кучайтириш борадида олиб борилаётган ишлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

(Давоми 2-бетда).

ҚОЗОҒИМ — ҚАРДОШИМ, ЎЗБЕГИМ — ЎЗ ОҒАМ

Евросиёнинг "юраги"да жойлашган минтақамиз халқларини минг йиллик қардошлик ҳамда яхши кўшничилик ришталари боғлаб туради.

Ўзаро яқин алоқалар, очик мулоқот қадим анъаналарнинг бугунги глобал дунёда янги кўринишларда намойён бўлишини талаб этади. Шундан келиб чиқиб, эндиликда турли соҳаларда муносабатларнинг фаоллашгани эзгу мақсад — минтақа халқларининг янада яқинлашишига хизмат қилмоқда.

Ўзбек ва қозоқ халқларининг қавму қариндошлик, дўсту биродарлик муносабатлари тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Эндиликда Ўзбекистон ҳамда Қозоғистон давлатлари ўртасида ҳам-

на кўшничилик ва стратегик ҳамкорлик тили, дини, урф-одати, адабиёти ҳамда маданиятлари муштараклигига таянган ҳолда изчил равишда топмоқда.

Яқин шериклик, ўзаро тенглик, ҳамфикрлик ва юксак ишонч каби устувор тамойилларни сингирган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида абадий дўстлик тўғрисидаги Шартнома (1998 йил), Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома (2013 йил) ҳамда бошқа қатор ҳужжатлар асосида давлатлар ўртаси-



даги муносабатлар тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

(Давоми 3-бетда).

Ҳамкорлик

Йўллар дилларни боғлади

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари доирасида яна бир эзгу ташаббус рўёбга чиқарилди. Жорий йилнинг 12 апрелидан эътиборан Тошкент — Олмаота — Тошкент йўналиши бўйича автобуслар қатнови йўлга қўйилди. Ушбу қатнов икки қардош халқ ўртасидаги ўзаро муносабатларни юксак bosқичга кўтаради. Қолаверса, ижтимоий-иқтисодий, маданий-гуманитар, савдо ҳамда туризм соҳасининг янада ривожланишига хизмат қилади.



Мазкур янги йўналиш 810 километрдан зиёд масофани 16 соат 30 дақиқада босиб ўтиш имконини беради. Энг муҳими, ташувчилар нархи бирмунча арзон. Мунтазам қатновлар "Тошкент" автовокзалдан кунига уч марта (соат 16:00; 17:00 ва 18:00 да) амалга оширилади. Йўналишда хизмат кўрсатиш учун Ўзбекистон томонидан Хитойнинг "Ютонг" русумли, Қозоғистон томонидан эса Бельгиянинг "Ванхол" русумли автобусларидан фойдаланилади. Бу Президентимиз томонидан қўшни мамлакатлар билан чегара ва боғжона пунктларида йўловчиларнинг эркин қатновини таъминлаш, уларга етарли шарт-шароитлар яратишга қаратилаётган эътибори самарасидир.

Суннатилла ИСЛОМОВ.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давом. Бошланғич 1-бетда).

3. Куйдагилар Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг асосий вазифа ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин: сув ресурсларини бошқариш соҳасида ягона сиёсатни амалга ошириш, шунингдек, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, сувларнинг зарарли таъсирининг олдини олиш ва бартараф этиш соҳасида давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш; худудларни ва иқтисодий тармоқларини сув ресурслари билан барқарор ҳамда оқилона таъминлаш, ерларнинг мелiorатив ҳолати яхшиланишини ва барқарорлигини таъминлаш бўйича чоралар кўриш; ирригация ва мелiorация тизимлари, сув омборлари, насос станциялари ҳамда бошқа сув хўжалиги ва гидротехника иншоотларининг ишончли фаолият қўриқчилигини таъминлаш, сув хўжалигининг йирик ва ўта муҳим объектлари муҳофаза қилинишини ташкил этиш; сув ресурсларидан тежамли ва оқилона фойдаланиш учун сувдан фойдаланувчилар ҳамда сув истеъмолчилари масъулиятини ошириш, уларнинг сувдан фойдаланиш маданиятини юксалтириш; сув хўжалиги соҳасида фан ва техника ютуқлари, замонавий сув тежовчи технологиялар, илгор тажрибалар, сув хўжалигини ва сувдан фойдаланишни бошқариш тизимида инновацион услубларни жорий қилиш; сув хўжалиги соҳасида мутахассислар малакасини ошириш тизimini ташкил этиш, сув хўжалиги ташкилотлари билан таълим ва илмий муассасалар ўртасидаги интеграцияни кучайтириш, фан ютуқларини амалиётга жорий этиш чораларини кўриш; трансгегаравий сув ресурсларини бошқариш ва улардан фойдаланиш бўйича давлатлараро муносабатларни ривожлантириш, хорижий инвестициялар ва техник кўмак маблағлари (грантлар)ни жалб қилиш, шунингдек, сув хўжалиги соҳасидаги халқаро ташкилотлар фаолиятида фаол иштирок этиш.

4. Куйдагилар: агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги ҳолати, мазкур соҳада қонун ҳужжатлари ҳамда меъёрий ҳужжатлар талаблари ижроси устидан назоратни амалга ошириш учун масъул бўлган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлигини устидан назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда Инспекция деб юритилади); 2018 йил 1 июндан Қишлоқ хўжалиги қорхоналарини таркибий қайта тузиш агентлиги ҳамда Қишлоқ ва сув

хўжалигида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича марказ негизда лойиҳалар, шу жумладан, инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга кўмаклашиш учун масъул бўлган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Инвестициялар, инновацион ривожлантириш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш, туризм масалалари комплекс таркибига кирувчи Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) ташкил этилсин. Агентлик Қишлоқ хўжалиги қорхоналарини таркибий қайта тузиш агентлиги ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалигида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича марказнинг ҳуқуқлари, мажбурият ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вори хисоблангани маълумот учун қабул қилинсин. 5. 2018 йил 1 августдан куйдагилар: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат дон инспекцияси; Машина ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш бош давлат инспекцияси; Чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекцияси; "Ўзсувназорат" республика сув инспекцияси; "Ўздавуругназоратмарказ" қишлоқ хўжалиги экинлари уруғини сертифицициялаш ва сифатини назорат қилиш давлат маркази тугатилсин. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тугатилаётган идора ва муассасалар ходимлари бандлигини таъминлашга кўмаклашсин. 6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Инспекция билан биргаликда икки ой муддатда Машина ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш бош давлат инспекциясининг вазифа ҳамда функцияларини қайта тақсимлаш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин. 7. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, "Ўзпахтасаноат" АЖ ва "Ўздонмаҳсулот" АКнинг: Ёзуа уруғчилиги республика маркази ва Бошоқли дон экинлари уруғчилиги республика маркази негизда уруғчилик, шу жумладан, пахта ва бошоқли дон экинлари уруғларини тайёрлаш ҳамда улардан фойдаланишнинг ягона ва замонавий тизimini шакллантириш учун масъул бўлган Инновацион ривожланиш вазирлиги хузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш марказини ташкил этиш; уруғлик тайёрлаш бўйича ихтисослаштирилган ташкилотларда уруғлик олиш мақсадида етиштирилган пахта ва бошоқли дон экинларини кейинчалик алоҳида сақлаш

шарти билан қайта ишлаш тартибини жорий қилиш тўғрисидаги тақлифлари қабул қилинсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси "Ўзпахтасаноат" АЖ ва "Ўздонмаҳсулот" АК билан биргаликда икки ой муддатда уруғлик тайёрлаш бўйича алоҳида ташкилотларнинг, цех ва омборларнинг пахта ҳамда бошоқли дон экинлари уруғлари учун ихтисослаштирилишини, шунингдек, уларни бошқариш бўйича уруғчиликни ривожлантириш марказига бериш бўйича тақлифлар киритилишини таъминласин. Инспекция пахта ва бошоқли дон экинлари уруғчилигининг буюртмаси, тайёрлигини, алоҳида қайта ишланиши ва сақлиниши бўйича талабларга риоя қилиниши устидан қатъий назоратни таъминласин. 8. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг илмий-тадқиқот муассасалари берилган ҳолда, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази негизда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази ташкил этилсин. Марказ мамлакатнинг илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари томонидан аграр фан соҳасида олиб бориладиган илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириб бориши белгилаб қўйилсин. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Бош прокуратура, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги илмий-тадқиқот муассасаларининг фаолиятини долзарб йўналишлар бўйича янги фан ва ишланмаларни кўриб чиқиш заруратини инобатга олган ҳолда тақомиллаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин. 9. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг моддий-техника базасини ривожлантириш, инновация технологияларини жорий қилиш ва ходимларни рағбатлантириш жамғармаси негизда: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузурида Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармаси; Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги хузурида Сув хўжалигини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда ташкил қилинаётган жамғармалар фаолиятини ташкил этиш тартибини тасдиқласин. 10. Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимида янгидан ташкил этилаётган идора ва муассасалар фаолиятини ташкил этиш бўйича Комиссия иловага мувофиқ таркибда тузилсин. Комиссия (З. Т. Мирзаев):

тугатилаётган идора ва муассасаларнинг, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг мол-мулки ва пул маблағларини оқилона тақсимлаш мақсадида уларни хатловдан ўтказиши; мазкур Фармонга мувофиқ идора ва муассасаларни тугатиш, шунингдек, янгидан ташкил этилаётган тузилмаларнинг моддий-техника базасини яратиш, улар ишини самарали ташкил этиш учун зарур бўлган компьютер техникаси, алоқа воситалари билан, шу жумладан, тугатилаётган идора ва муассасаларнинг бинолари ва моддий-техника базасини бериш орқали жиҳозлашга доир тадбирларни ташкил қилишни; янгидан ташкил этилаётган идора ва муассасаларни, уларнинг худудий бўлинулларини жойлаштириш, шунингдек, улар фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этишни; янгидан ташкил этилаётган идораларни малакали кадрлар билан, шу жумладан, тугатилаётган идоралар ва муассасалар ходимлари ҳисобидан тўлдирилиши белгиланган тартибда таъминласин. 11. Мазкур Фармонда назарда тутилган идора ва муассасаларни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда тугатилаётган идоралар ва муассасалар штат бўйича қораларни мақбуллаштириш ҳисобига амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин. 12. Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини амалга ошириш бўйича Комиссия бир ой муддатда янгидан тузилаётган идоралар ва муассасалар фаолиятини ташкил этиш, шунингдек, уларнинг асосий вазифа, функция ва фаолат йўналишларини белгилаб бериш бўйича қарорлар йўналишларини киритилишини таъминласин. 13. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги маффаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин. 14. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуроври О. Б. Муродов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ Тошкент шаҳри, 2018 йил 17 апрель

Латвия Республикаси Сейми Раиси Инара МУРНИЕЦЕ:

«Мулоқотларимиз Ўзбекистондаги ислохотлар шиддатидек жадал ривожланишига ишонамиз»

(Давом. Бошланғич 1-бетда).

Латвия Сейми Раиси, Ўз навбатида, сўнги вақтларда икки мамлакат олий вакиллик органлари ўртасида муносабатларнинг фаоллашганини таъкидлаб ўтди. И. Мурниеце Ўзбекистонда қисқа даврда кенг қўламли ислохотлар олиб борилаётганини, Ўзбекистон — Латвия ҳамкорлиги сиёсий, шунингдек, парламентларо йўналишларида янги босқичда ривожланаётганини алоҳида қайд этди. Мехмон Ўзбекистон парламенти яхши тажрибани муҳасаблаштиришга ҳамда шу ўринда қонун ижодкорлиги фаолиятидаги истиқболли жиҳатларни ўрганиш бўйича ҳамкорлик қилиш тақлифини билдирди. Айни чоғда мамлакатда туризмни ривожлантириш дастурини юқори баҳолади. Шу билан бирга, Ўзбекистон Латвиянинг йирик савдо ҳамкори экани, транспорт логистикаси ва икки томонлама авиатасувларни ривожлантиришда ҳамкорликни йўлга қўйиш муҳим урду тилини таъкидлаб ўтди. — Биз Ўзбекистонга ташриф буюрганимиздан ниҳоятда мамнунмиз, — дейди Инара Мурниеце. — Ишончли мамлакатларимиз ўртасида барча жаҳдада алоқаларни кенгайтириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Ўз навбатида, соғлиқни сақлаш, тиббий сўғуртани ривожлантириш, таълим сингаги соҳаларда ҳамкорликни фаоллаштиришни истардик. Ўзбекистонда бугун улкан янгилашлар юз бермоқда. Шу нуктаи назардан, биз ахборот-коммуникация технологияларини, "яшил" иқтисодийни ривожлантиришга тайёрмиз. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сертифицициялаш амалиётида тажриба алмашадиган жиҳатларимиз бор, бинобарин, Ўзбекистон ушбу соҳани тараққий эттириш учун улкан салоҳиятга эга. Мамлакатингиз Марказий Осиё минтақасида Латвиянинг етакчи ширғи хисобланади. Жуда кўплаб соҳаларда ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Аммо тан

Мажбурий меҳнат ва кўзбўямачиликларга йўл қўйилмайди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизматининг Пресс-хотида Президент Матбуот қотиби Комил Алламжонов 13 апрель куни Сирдарё вилояти фаоллари билан бўлиб ўтган йилгилида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев танқид қилган масалалардан кейин қўрилаётган чоралар ҳақида брифинг ўтказди.

БРИФИНГ

Юртбошимиз ушбу йилгилида вилоятларга сафарлар олдидан ижтимоий соҳа ходимларининг ободонлаштириш ишларига жалб этилаётгани, айрим жойларда кўзбўямачиликка йўл қўйилаётганини жиддий танқид остига олди. Бу лавҳа оммавий ахборот воситалари орқали барчаннинг эътиборига ҳавола қилинди. Матбуот қотиби Президент Шавкат Мирзиёевнинг сўзларидан кейин қўрилаётган чоралар ҳақида маълумот берди. Қайд этилганидек, Юртбошимиз бундай ҳолатлар яна қайтарилмаслиги учун ҳуқуқий механизми

Фуқароларни жамоат ишларига мажбурлаш ҳолатлари шундан кейин ҳам қайтарилса, Президент таъкидлаганидек, жазо қаттиқ бўлади. Жумладан, жиноий жавобгарликка бўлган чоралар қўрилади. Шавкат Мирзиёев Бош прокуратура олдига ҳам бир қатор вазифалар қўйган. Самарқандлик ўқитувчи Диана Еникееванинг бевақт ўлимига сабабчи бўлган мансабдор шахсларни юридик жавобгарликка тортиш бўйича топшириқлар берган. Ҳозирги кунда бу ҳодиса бўйича ўрганиш олиб борилмақда. Президент жойлардаги кўзбўямачилик ҳолатларидан ҳам қаттиқ норозиликни билдирган эди. Қайд этилган ҳўжакурсин ишлар юзасидан прокурорлик текшируви ўтказиш бўйича қўрсатма берилган. Хусусан, Қашқадарёда йўл бўйларига қурилган сохта иссиқчилар, Жиззахдаги тиббиёт муассасасида эски жиҳозлар ўрна-

Овулда йирик лойиҳа

Оролбўйи минтақасини ривожлантириш жамғармасининг молиявий кўмагидан сўнг Чимбой туманидаги "Пашентау" овул фуқаролар йиғини ахлисини қийнаб келаётган ўткир муаммага барҳам берилди.

ҚУЛАЙЛИК

Гап шундаки, ушбу худудга хизмат кўрсатувчи "Шоликор"нинг шўр сувни чуқуқлаштирувчи ускунаси 1 миллиард 361 миллион сўмлик лойиҳа асосида реконструкция қилинган, қондонларнинг ичимлик суви таъминоти яхшиланди. Айни пайтда пашентауликлар қулайлиқдан мамнун. Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Бағрикенг халқимизга хос азалий қадрият намунаси

Президентимизнинг 2018 йил 16 апрелдаги "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Хотира ва Қадрлаш кўнига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мамлакатимизда ҳар бир инсон, унинг шаъни, шарафи, бу дунёдан ўтганлар хотираси бебаҳо қадриятга айланганининг яна бир ифодаси бўлди. Ушбу муҳим ҳужжатлар ижроси доирасида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фронт орти меҳнат фахрийлари, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг оила аъзолари моддий ҳамда маънавий рағбатлантирилади. Бундай эътибор ва ғамхўрликдан фахрийлар беҳад мамнун. Бундай эътиборнинг дил сўзларидан ҳам билиш мумкин.

ДИЛ СЎЗИ

Аҳмад ЖАББОРОВ, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси (Тошкент шаҳри): "Яхши сўз — жон озиғи", дейдилар. Гоҳи биргина айтилган ширин сўз кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшади, кўнглимизни тоғдек юксалтиради, руҳимизни тетик қилади. Агар ҳақонлардир қилган ишларингиз эътироф этилса, хизматларингиз рағбатлантирилса-чи?

Бу қувонч бутун умрга татийди. Шу маънода, Юртбошимизнинг Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш ҳамда байрамни юқори кайфиятда нишонлаш бўйича қабул қилган Фармон ва қарори қайбимизга улкан қувонч бағишлади. Ушбу ҳужжатларга мувофиқ, уруш қатнашчилари ҳамда ноғиронларга беш миллион сўмдан пул муқофоти берилди, зарур бўлса, тураржойларимиз

варлик, ўзаро меҳр-оқибат, бугунги дориларон қунарга шўқроналик туйғуларини кучайтиришга ҳаракат қилинапти. Президентимиз томонидан бу борада қабул қилинган ҳужжатлар билан танишиб, Хотира ва Қадрлаш кўни ҳамда унинг араолиб келишимиз ҳам мумкин. Бундай эътибор ҳамда ғамхўрликдан шодланмай, гурурланмай бўладими?! Эъозу эҳтиром учун Президентимиздан миннатдорлик, Тинч-осуда ҳаётимизга кўз тегмасин. Абдусалом РАҲМОНОВ, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси (Наманган тумани): — Келаҳагини ёркин кўрмоқчи бўлган халқ ўтмишини унутмайди, кечаги кундан хулоса чиқаради. Шўқри, юртимизда тарих сабоғи ижтимоий-маънавий ислохотларда муҳим омилга айланган. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фахрийларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатилмоқда, уларнинг ўғитлари, ибратли ҳаётий ҳикоялари асосида ишлар маънавиятини бойитишга, уларда ватанпар-

Турсункул ЭРҒАШЕВ, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси (Нурота тумани): — Тинчлик — энг бебаҳо нўзват. Унинг замирида қўнғил хотиржамлиги, оозда ва обод ҳаёт мужассам, Мусаффо осмон, фарзанд кулгиси, эзгу орзу-ниятлар «Халқ сўзи» мухбири Дилшод ҚАРИМОВ ёзиб олди.

2018 ЙИЛ — КОЗОГИСТОНДА ЎЗБЕКИСТОН ЙИЛИ

Яратганинг ўзи бизга қўшни бўлишдек бебаҳо неъматни ато этган. Бизнинг донишманд ота-боболаримиз "Ховли олма, қўшни ол", деб беҳиз айтишмаган. Биз азал-азалдан бир заминда, бир қуёш остида яшаб келмоқдамиз, бизнинг илдизларимиз бир.

Халқларимизнинг Абу Райхон Беруний ва Абу Наср Форобий, Ҳўжа Аҳмад Яссавий ва Баҳоуддин Нақшбанд, Алишер Навоий ва Абай Қўнонбоев, Ойбек ва Мўхтор Аvezов, Фафур Гулом ва Собит Мўқонов каби улуг намоёндалари ва бошқа кўплаб атоқли олимлар, мутафаккир ва шоирлар мероси бизнинг умумий бойлигимиздир.

Биз инсонпарварлик ва эзгулик ғоялари билан йўғрилган бу маънавий меросни асраб-авайлашимиз ва бойитишимиз лозим.

Шавкат МИРЗИЁЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти

Қозоғистондаги Ўзбекистон йили халқларимиз ўртасидаги қадим замонлардан келаётган, умумий тарихимиз, аждодларимизнинг бой маънавий мероси билан исботланган қардошлик олоқаларининг ёрқин кўринишидир. Бизда умумий дунёқараш, фикрлаш, маданият, дин ва умумий урф-одатларимиз бор. Маданият, тил ва анъаналар доимо халқларнинг ўзаро яқинлашувига асос бўлган.

Нурсултон НАЗАРБОЕВ, Қозоғистон Республикаси Президенти



Замонавий Остона шаҳри манзараси.

ҚОЗОҒИМ — ҚАРДОШИМ, ЎЗБЕГИМ — ЎЗ ОҒАМ

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келахак

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Самарқандда бўлиб ўтган "Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келахак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик" мавзусидаги халқаро конференцияда минтақамиздаги долзарб масалаларни мамлакатларимизнинг сай-ҳаракатларини умумий масъулият тамойили асосида бирлаштириш орқалигина ҳал этиш мумкин, дея таъкидлаган эди. Ана шундай умумий муаммоларни ҳал қилишнинг йўллари биргаликда излаб топишга қаратилган эзгу сай-ҳаракатлар Марказий Осиё мамлакатлари давлат раҳбарларини Қозоғистон пойтахти Остона шаҳри томон қорлади. Президентимиз илгари сурган ўзаро маслаҳатлашувлар бўйича учрашувларни мунтазам ташкил этиш ташаббуси Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев томонидан қўллаб-қувватланди. Жорий йилнинг 15 мартида Остона шаҳрида илк мартада Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашуви бўлиб ўтди.

Халқаро сиёсий масалаларда ҳам Ўзбекистон ҳамда Қозоғистон бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Мамлакатларимиз икки томонлама ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЕХТ, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Ислон ҳамкорлик ташкилоти, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси каби қатор нуфузли тузилмалар доирасида самарали ҳамкорлик қилаёпти. Минтақавий ҳамда халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар бўйича томонларнинг позициялари ўхшаш ёки ақиндир. Айниқса, сўнгги пайтларда Ўзбекистон ва Қозоғистон давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси ҳамда ўзаро интилишлари тўғрисида азалли дўстлик, яқин қўшничилик ва стратегик шериклик олоқаларини мустаҳкамлаш йўлида, ҳақиқатан ҳам, улкан натижаларга эришилди.

Наврўз қадриятлари ила

Тошкент вилояти делегацияси Жанубий Қозоғистонда, Қизилўрда, Шарқий Қозоғистон ҳамда Жанубий Қозоғистон вилоятлари делегациялари Ўзбекистонда бўлиши. Яйловда моли, уйда оилалари том маънода "қоришиб" кетган бу икки халқнинг бирдамлигига яқиндагина қардош Қозоғистон пойтахтидаги "Астана-опера" театрида бўлиб ўтган "Қозоғистонда Ўзбекистон йили"нинг расмий очилиш тантаналарида яна бир қарра амин бўлди. Бу икки халқнинг неча асрлик орзу-умид ва интилишлари муштарак эканлигининг исботидир. Ушбу воқеа халқларимиз тарихида биринчи марта Наврўз айёми арафасида бошлангани ҳам ўзига хос рамзий маънога эга.

— Телевидение орқали "Қозоғистонда Ўзбекистон йили" бошланғичи муносабати билан Остона шаҳридан тўғридан-тўғри олиб берилган байрам тадбири, унда ўзбекистонлик санъат усталари томонидан намойиш этилган концертни томоша қилаётиб, беихтиёр кўзларимга ёш келди, — дейди Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги 5-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси Зулфия Дуйсенова. — Халқимизда "Наврўзда амалга оширилган эзгу ишлар, байрам шухуи йил бўйи давом этади", деган тушувча бор. Биз ҳам айнан шу қуни қўшниларимиз билан сумалак қайнатаётган эдик. Ривоятларга кўра, мана шундай пайтда уйга кириб қоладиган мөҳмоннинг қадами кўтлуг бўлади.

Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевнинг бир-бирига бўлган юксак ҳурмати, эзгу ниятларга йўғрилган самимий чиқишлари, умуман, тантанамини ҳамда концерт бизда чуқур таассурот қолдирди. Азалли баҳор таомини қайнатаётиб, мана шундай барқарор юрда тинч-тотув яшаётганлигимизга, халқларимизнинг ўзаро яқинлигига, маданиятимиз, анъанаву урф-

одатларимиз ўхшаш эканлигига шукроналар айтдик.

"Юртимизга хуш келибсиз!"

Ислон Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортидан йўл олган авиалайнеримиз салкам икки минг километрик масофани атиги 2 соат ичида босиб ўтиб, Қозоғистон пойтахти Остона шаҳридаги "Нурсултон Назарбоев Халқаро аэропорти"га етиб келди.

Марказий Осиёда бетақдор ва замонавий мегаполис шаҳар номига эга Остонага биринчи бор келишим. Шу боис аэропорт ҳудуди, ундаги йўловчилар учун яратилган қўлайликлардан мамнун бўлдим. Айниқса, паспорт назоратидан ўтиш пайтида қозоғистонлик божхона ходими Жасулан Бакшевнинг менга қарата: "Хурматли мөхмон! Юртимизга хуш келибсиз! Сафарингиз бехатар ўтсин!" деган мурожаатидан ҳаяжонландим, ўзим каби оддий йўловчиларга билдирган илиқ муомаласидан хурсанд бўлдим.

— Ўзбекистонда кечаётган ижобий ўзгаришлардан хабардоримиз, — дейди "Тошкент — Остона" рейси билан келганимни аниқлаган остоналик хайдовчи Аскар оға. — Юртбошимиз Шавкат Миромонович кўп жайрли ишларни бошлади. Айниқса, яқин қўшни давлатлар билан борди-келдини жойига қўйдилар. Яқинда Ўзбекистондан кўп мөхмон келди — артистлар, ёзувчилар... Бу йил бизда "Ўзбекистон йили", шу сабаб қўллаб-тадбирлар ўтказилар экан. — Ўзбекистон ҳақида яна нималарни биласиз? — Сўзгача чорлайман у кишини. — Биз томонларда бўлгансимиз? — Сизларда саноат, туризм соҳала-

- ✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг минтақа давлатлари интеграцияси йўлидаги сай-ҳаракатлари, Қозоғистон раҳбари Нурсултон Назарбоев билан бирга халқлар ўртасида дўстлик олоқаларини янада мустаҳкамлаш борасидаги ташаббуслари ҳар икки юрт аҳлини ҳам бирдек мамнун этмоқда.
- ✓ Президентимиз илгари сурган ўзаро маслаҳатлашувлар бўйича учрашувларни мунтазам ташкил этиш ташаббуси Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев томонидан қўллаб-қувватланди.
- ✓ Жорий йилнинг 15 мартида Остона шаҳрида илк марта Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашуви бўлиб ўтди.
- ✓ Мамлакатларимиз икки томонлама ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЕХТ, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Ислон ҳамкорлик ташкилоти, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси каби қатор нуфузли тузилмалар доирасида самарали ҳамкорлик қилаёпти.

лик ташкилотининг Фан ва технологиялар бўйича биринчи саммити, илк бора ўтказилган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашуви ҳамда бошқа кўплаб нуфузли халқаро анжуманларга ҳам мезбонлик қилган. Айни пайтда у Қозоғистонда йирик бизнес марказларининг бири ҳамдир.

"Овули аралаш, қўйи қўралаш"

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг минтақа давлатлари интеграцияси йўлидаги сай-

мувофиқ бўлиши ҳақида сўзлаган Серғали оға бу ҳақда ҳали матбуотда чиқишлар қилиш орасини ҳам яшириб ўтирмади.

— Ўзбек ҳамда қозоқ халқлари ўртасида азалдан маданий олоқалар ривожланган, урф-одат ва анъаналаридаги муштараклик бу муносабатларнинг тобора мустаҳкамланишига хизмат қилади, — дея сўзларимизга қўшилиди тadbиркор Абдурашид Ерғешов. — Ўзаро муносабатларимизнинг яхшилланиши боис халқларимиз бир-бирига янада яқинлашса, тараққиёт сари биргаликда одимласак, нур устига нурдир.



Дўстлик ва ҳамжихатлик байрами.

ри, қишлоқ хўжалиги юксак ривожланган, — давом этади Аскар оға. — Чиройли, шинам ва камхарж ўз машиналарингиз бор. Полиз махсулотлари эса дунёда энг мазали десам, асло мулобага эмас. Утган йили "ЭКСПО — 2017" кўргазмасида Ўзбекистон павильонидаги экспонатларни кўриб, бунга тўлиқ амин бўлдим.

Халқ ичида "Елорда" дея тан олинган Остонага келганимизда қозоғистонлик журналист укаими Нурлан Тужков ҳамроҳлигида мазкур гўзал ҳамда навиқорон шаҳарнинг Тинчлик ва тотувлик саройи, "Байтөрөк" монументи ("Тинчлик даракти"), "Астана-опера" давлат опера ва балет театри, "Хазрат Султон" масжиди, "MEGA Silk Way", "Хан-шатир" савдо-кўнгличочар марказлари, "ЭКСПО — 2017" халқаро кўргазмаси ўтказилган "Нур алом" мажмуасини томоша қилдик.

Хамкасбимизнинг айтишича, Остона ЕХТнинг саммити, Осиё кишики йўнлари, Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг тарихий мажлиси, "ЭКСПО — 2017" бутунжаҳон кўргазмаси, Ислон ҳамкор-

ҳаракатлари, Қозоғистон раҳбари Нурсултон Назарбоев билан бирга халқлар ўртасида дўстлик олоқаларини янада мустаҳкамлаш борасидаги ташаббуслари ҳар икки юрт аҳлини ҳам бирдек мамнун этмоқда.

— Қардош икки халқ дўстлиги мустаҳкамланаверсин! — дейди Қозоқ миллий аграр университети профессори, алматилик Серғали Мирзақуллов. — Ахир қўёшли ўлкада қўшни жойлашган бу икки эллик "Овули аралаш, қўйи қўралаш", деб беҳиз аташмаган. Бугунги кунда бизнинг университетимизда 78 нафар ўзбекистонлик йигит-қиз тахсил оляпти. Қозоғистонлик тенгдошлари билан бирга, билимларини чархлаб, миллий урф-одат, маданиятини тарғиб қилиб юрган бу ёшларга қараб, чин дилдан қувонасан киши.

Ўзбек ва қозоқ олимлари, йирик корхоналар ҳамда ташкилотлар раҳбарлари иштирокида сўнгги янгиликлар билан ўртоқлашш, тажриба алмашиш бўйича анжуманлар, семинар ва учрашувлар ташкил этилса, мақсадга

— Ўзбекистон менинг она-Ватаним, — фахр ила сўзлайди Нурислом Уктамов. — Шу гўзал юрда туғилиб ўсдим, воғга етдим. Ҳозир Остонадаги Лев Гумилев номидаги Евросиё миллий университетиде ахборот-коммуникация технологиялари йўналиши бўйича тахсил оляяман. Ўзбек ҳамда қозоқ халқларининг ахиллиги, маънавий бирлиги кўп асрлик дўстлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шу сўзларни айтганларнинг юз-кўзлариде, тили ва дилида бир-бирига интилиши, соғинч ҳисси уфуриб турганига гувоҳ бўлди.

Навоий ва Абай — ижодлари муштарак даҳолар

Ўзбек ҳамда қозоқ халқлари тарихида буюк мутафаккирлар, атоқли фан ва санъат арбоблари, олимлар, ёзувчи ҳамда шоирларни самимий дўстлик ришталари боғлаб турган.

Яқин кунларда Лев Гумилев номидаги Евросиё миллий университетиде Алишер Навоий номидаги ўзбек адабиёти ва маданияти маркази очилади. Мазкур марказ университетнинг "Қозоғистон Республикаси Биринчи Президенти", "ЮНЕСКО кафедраси", "Қозоғистон халқи Ассамблеяси" каби махсус аудиториялари билан бир қаторда жойлашади. Чимкент шаҳрида эса Алишер Навоий боғи барпо этилади.

Қозоқ шоири ҳамда мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш бўйича Ўзбекистонда кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

— Президент Шавкат Мирзиёев "Қозоғистонда Ўзбекистон йили" очилишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқиде қозоқ халқининг буюк фарзанди, шоир ва мутафаккири, гуманисти Абай Қўнонбоев ижодий меросини ушбу юрда кенг ўрганиш ҳамда тарғиб этиш тўғрисида қарор имзоланганини айтганида, — дейди Остона шаҳридаги 78-мактаб-гимназияси директорининг илмий-услубий ишлар бўйича ўринбосари Замира Атантаева фахр билан, — "Астана-опера" театрида ҳам бўлган барча қатнашчилар ўринларидан туриб, бундай аjoyиб янгиликни эър ҳаяжон олкишлар билан қабул қилишди. Ҳақиқатан ҳам, бу улуг зотнинг ўғит ва насихатлари бутун ўз долзарблиги ҳамда аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Ўзбекистонлик ўқувчилар ўртасида "Абай асарларининг билимдон" иншо-лар кўрик-танловининг ўтказилиши, таълим муассасаларида танкили шоир ҳамда ёзувчилар, олимлар иштирокида учрашувлар, адабий кечалар уюштирилиши буюк Абайга эҳтиром ифодасидир.

— Ўзбекистонда буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ҳамда тарғиб этиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида эшитиб, биз, қозоғистонлик маорифчилар чин дилдан хурсанд бўлдик, — дейди "Нурорда" мактаб-лицейи қозоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Замира Бимбетова. — Буюк бобомиз маърифатпарвар шоир ҳамда мутафаккир, эзгулик ва дўстлик куйчиси эканлигини бутун дунё халқлари билса арзийди. Тарихдан маълумки, қозоқ билан ўзбек ака-укадек бир-бирига ниҳоятда меҳрибон бўлган. Ота-боболаримиз ташқи душманлардан эли ҳамда ерини бирга ҳимоя қилган, самимият билан қучоқ очиб, қаму қариндош, қуда-анда бўлган. Шу боисдан ҳам биз эндиликда тарбиявий соатларнинг айрим мавзуларини қўшни Ўзбекистонга, қардош юрдага ўзбек халқининг тарихи, урф-одати, миллий анъаналари, адабиёти ва маданиятини ўрганишга бағишлаймиз.

— Тошкентнинг марказий қўчаларидан бири Абай номида эканлиги, Қозоғистоннинг Ўзбекистондаги элчионаси биноси олдида буюк шоирнинг мухташам хайкали қад ростлаб турганини яқши биламиз, — дейди чимкентлик шифокор, оқин Абдусадик Тулеев. — Ўзбекистон раҳбарининг қарориде Абай Қўнонбоев сингари улуг алломаларининг улмас мероси халқларимиз учун янада муҳим маъно ҳамда аҳамият касб этади, деган сўзларни ўқиб, дилларимиз яйради.

Абай Қўнонбоев Шарқнинг буюк мутафаккири, ўзбек шоири Алишер Навоий каби бебаҳо мерос қолдирган. Унинг ўзбек халқига мөхру муҳаббати юксак бўлган. "Ибратли сўзлар" китобининг "Иккинчи сўзи"да Абай: "Ўзбек деҳқони отиштирмаган ўсимликнинг ўзи йўқ, улар ясамаган

буюм йўқ. Ахилликда яшаши, адоват кўзгамайди. Таниқли бойлари, билимдон мулралари, хунармандлик ва мўл-кўллик дейсизми, боадаблик дейсизми — ҳаммаси уларда бор", дея ўзбек халқига юксак баҳо берган.

Абай Ҳазрат Алишер Навоийни ўзига устоз деб билган, истъдодига таъзим қилган. Ўзбек ҳамда қозоқ адабиётларининг буюк намояндалари Алишер Навоий ва Абай турли замонларда яшаган бўлсалар ҳам, аввалам-бор, ўз халқининг буюк келажагини ўйлаб, адолатга интилиб, эзгу мақсадлар йўлида ижод қилганлар. Алишер Навоийнинг "Йигитликда йиг илмининг маҳзани, Қариллик чоғи харж қилгил ани", деган ҳикматига Абайнинг: "Қизикма хар нарсаса, Хунарли бўлсанг, тур, отлан. Сен ҳам — бир гишт, дунёга Кемтигин топ ва бор, қалан!" — деган сартлари ҳамоҳандир.

Дўстлик чегара билмайди

Қардош республика халқлари бирлигининг ноб моделини шакллантиришда Қозоғистон халқи Ассамблеяси муҳим ўрин тутди. Унинг бош вазифаси миллиятлар бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш, мамлакатда иқтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш, давлат ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг этнослараро муносабатлар соҳасидаги ўзаро ҳамкорлигини самарадорлигини оширишдир. "Дўстлик" Қозоғистон ўзбеклари этномаданият жамоат бирлашмалари Ассоциацияси ана шундай ноб тузилманинг ажралмас қисmidир.

— Бугунги кунда Қозоғистонда миллатлар маданиятлари, тиллари, урф-одатларининг ривожини унун барча шарт-шароит яратилган, — дейди "Дўстлик" Қозоғистон ўзбеклари этномаданият жамоат бирлашмалари Ассоциацияси раиси ўринбосари Ҳасан Шарипов. — Этномаданий бирлашмалар сони доимий равишда ўсмоқда. Билим бериш ўзбек, тожик, уйғур ҳамда украин тилларида олиб бориладиган мактаблар бор. Қозоқ ва рус театрларидан ташқари яна тўртта миллий — ўзбек, уйғур, корейс ҳамда немис театрлари фаолият юрлатади. Хар йили умумхалқ байрамлари — Наврўз, 1 май — Қозоғистон халқи бирдамлиги байрами, масленица, сабантойни ўтказиш анъанана айланган.

Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар йил сайин мустаҳкамланиб бормоқда. Сўнгги пайтда икки қардош мамлакат раҳбарларининг тез-тез учрашиб туришлари бизни беҳад хурсанд қилади, айниқса, давлат раҳбарларининг турли даражадаги мулоқотлари мамлакатлар ўртасидаги кўпчилик, шериклик олоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бежиз ўзбеклар "Қозоғим — қардошим", қозоқлар эса "Ўзбегим — ўз оғам", дейишмаган, бу бизнинг илдизларимиз теран эканлигининг исботидир.

Қозоғистон ҳамда Ўзбекистон раҳбарларининг сай-ҳаракатлари билан сўнгги 15 — 20 йиллар давомида икки эл орасида мавжуд бўлган муаммолар, оғрикли нукталарга тамоман барҳам берилди, — дейди Остона шаҳри ўзбек этномаданият маркази оқсоқоллар кенгаши раиси ўринбосари, "ТаразКожОбуёв" МЧШ (муассалати чекланган шериклиги) бош директори ўринбосари Шомухтор Шоюнсунов. — Халқларимиз ўртасида турли соҳаларда ҳамкорлик олоқалари ҳамда ўзаро меҳмондорчиликка бориб-қолишлари учун барча йўللар очилди. Ана шундай ижобий силжешлар натижасида ўтган йили давлат Ўзбекистоннинг Жиззах вилоятидан бир гуруҳ фаоллар бизнинг Жамбул вилоятига ташириқ буюришган бўлса, орадан бир оз вақт ўтиб, биз, тараллик фаоллар ҳам Ўзбекистонда бўлдик. Бу икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш борасидаги эзгу қадамлар эди. Мазкур учрашувлар давомида илмий аниқлашлар учун кўргазмалар, анжуманлар ташкил этилди. Олдимизда бизни катта тadbирлар кутмоқда. Ана шу эзгу ишларни амалга оширишда хар иккала халқ фаолларига муваффақиятлар тилаймиз.

Нурлан УСМОНОВ, махсус мухбиримиз. Тошкент — Остона — Тошкент

Ерлан ОМАРОВА (Egemen Qozqoqstan) олган суратлар.

Маҳмуд ТОИР, Ўзбекистон халқ шоири.

